

## Бухорода имом-хатиблар учун ўқув-семинар бошланди



14:21 / 21.08.2023 1121

Бугун, 21 август куни Бухоро вилоятидаги Мир Араб олий мадрасасида Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти қозиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош имом-хатиблари ҳамда туман-шаҳар бош имом-хатиблари учун малака ошириш ўқувлари бошланди.

Уч кунлик ўқув-семинарда юртимизда фаолият юритиб келаётган 200 дан зиёд бош имом-хатиблар халқимиз маърифатини ошириш, динимизнинг асл таълимотларини етказиш ва турли ёт ғоялардан асраш борасида касб-маҳоратларини оширади, ўзаро тажриба алмашади.

Шунингдек, юртимизнинг бир гуруҳ малакали ва нотиқ уламолари Бухоро вилоятининг олис ҳудудларида жойлашган масжидларга пешин ва хуфтон намозларига ташриф буюриб, жамоатга маърифий суҳбат қилиб берадилар.



